



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 06.01.2022 г. № 16

между МЧЖ "БухороНефтебазаси" и Ўзбекистон Республикаси Президент хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги на общую сумму 10306088,40

Глава \_\_\_\_\_ 015  
Казначейский лицевой счёт \_\_\_\_\_ 100010860262877013907015001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	7-013-907			Всего
	4252500			
Январь	10 306 088,40			10 306 088,40
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>10 306 088,40</b>			<b>10 306 088,40</b>

Всего 10306088,40 сум

Десять миллионов триста шесть тысяч восемьдесят восемь сум  
40 тийин  
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 10306088,40 сум или 100,00%\*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20\_\_ г.

(\*) --- Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(\*\*) --- Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) --- Месячный \_\_\_\_\_% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца.  
(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика

М.П.



(подпись)

Хасанов О.А.

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Хамроев М. Ж.

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения \_\_\_\_\_

(подпись)

Получил работник заказчика \_\_\_\_\_

(подпись)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

**Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги  
ШАРТНОМА № 16**

“6” январь 2022 йил.

Когон тумани.

“Бухоро нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда “Маҳсулот етказиб берувчи”) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор **И.И.Норов** бир томондан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат хизматини ривожлантириш агентлиги” (кейинги ўринларда “Истеъмолчи”) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директорнинг биринчи ўринбосари **А.А.Хасанов** иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

1.1. “Маҳсулот етказиб берувчи”, “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва куйида келдирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефт маҳсулотлари тури	Йиллик миқдор (тонна)	1 тонна нархи (сўмда)	Суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича									
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак			
				тн	Сумма	тн	Сумма	тн	Сумма	тн	Сумма		
Автобензин АИ-95	0,690	14936360,00	10 306 088,40	0,690	10 306 088,40								
ЖАМИ:													

1.2. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Нефть маҳсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси ҚҚС билан **10 306 088,40 (ўн миллион уч юз олти минг саксон саккиз) сўм 40 тийинни** ташкил қилади.

**2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.**

2.1. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га ўз автотранспортида, махсус автотранспортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилди. “Истеъмолчи” нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда куйиладиган барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда “Етказиб берувчи” га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирози йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот куйишга рухсат берилмайди.

2.2. “Истеъмолчи”да нефт маҳсулотларини сақлаш учун идоравий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг махсус автотранспорт воситасида нефт маҳсулотларини ташиш “Хавфли юкларни ташиш қоидалари”га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси “Маҳсулот етказиб берувчи” нефт омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Истеъмолчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг омборида “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита “Истеъмолчи” вакилининг хоҳишига кўра “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.

**2.4.** Нефт маҳсулотлари “Маҳсулот етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёнилғи тарқатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг ишночномасига мувофиқ маҳсулотни ёки тарқатиш шахобчасидан олиш тўғрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Мазкур рухсатнома “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан ёнилғи тарқатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юритади. “Истеъмолчи” вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида “Истеъмолчи”нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

**2.5.** Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортида етказиб берилганда, темир йўл накладнойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги “Нефт, газ конденцати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма”га мувофиқ амалга оширилади.

**2.6.** Маҳсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи “Маҳсулот етказиб берувчи” шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан “Истеъмолчи”га ўтади.

**2.7.** Нефт база омборига маҳсулот куйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот куйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик “Истеъмолчи” зиммасига, маҳсулот махсус автотранспортида ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

**2.8.** Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (“Истеъмолчи”нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефт база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш “Истеъмолчи”нинг талабига биноан амалга оширилади.

**2.9.** “Маҳсулот етказиб берувчи” нефт маҳсулотлари таъминотининг узилишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

**2.10.** “Истеъмолчи” томонидан унинг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

### **3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ.**

**3.1.** Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб–китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб–китоблар тўлов топшириқнома асосида амалга оширилади.

**3.2.** “Истеъмолчи” олаётган нефт маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан камида 5 кун олдин 100% миқдорида “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг ҳисоб–рақамига ҳақ тўлайди.

**3.3.** “Маҳсулот етказиб берувчи” нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”га ўтган чоракдаги биржа савдолари натижаларига кўра шакллланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклландиган нархларда сотади.

**3.4.** Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини “Маҳсулот етказиб берувчи” таъминотидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йўл харажатлари Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий киймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

### **4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

**4.1.** Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

а) “Маҳсулот етказиб берувчи” нефт базасидан “Истеъмолчи” вакилининг нефть маҳсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б) “Истеъмолчи” транзит оркали маҳсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

**4.2.** Эғалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи “Маҳсулот етказиб берувчи” корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб “Истеъмолчи” га ўтади.

**4.3.** Нефт маҳсулотларини миқдор ва сифати бўйича “Истеъмолчи” , “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида” ги йўриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

## 5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

**5.1.** “Истеъмолчи” нефт маҳсулотларини олаётган вақтда жойида маҳсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

**5.2.** Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот ортиш ва кузатувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

**5.3.** Нефт маҳсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**5.4.** “Маҳсулот етказиб берувчи” “Истеъмолчи”га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Хар икки томон нефтмаҳсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**6.1.** “Истеъмолчи”нинг ҳуқуқлари:

а) ушбу шартномага асосан тегишли сифатдаги ва ассортиментдаги нефть маҳсулотлари етказиб беришни “**Маҳсулот етказиб берувчи**” дан талаб қилиш;

б) етказиб берилган Нефть маҳсулотлари сифатини аниқлашда иштирок этиш;

в) сифатсиз Нефть маҳсулотлари етказиб берилган ҳолларда “**Истеъмолчи**”:

- сифатли ана шундай турдаги нефть маҳсулотларини “**Маҳсулот етказиб берувчи**” ҳисобидан етказиб берилишини талаб қилиш;

- нефть маҳсулотларининг сифатини “Маҳсулот етказиб берувчи” ҳисобидан тиклашни талаб қилиш;

- етказиб бериш муддатлари бузилган ёки сифатсиз нефть маҳсулотлари етказиб берилган ҳолларда маҳсулотни қабул қилишни рад этиш;

г) “**Маҳсулот етказиб берувчи**”дан шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

**6.2.** “Истеъмолчи”нинг мажбуриятлари:

а) мазкур шартномага асосан етказиб бериладиган нефть маҳсулотлари учун “**Маҳсулот етказиб берувчи**”нинг банкдаги ҳисоб рақамига олдиндан 100% тўловни амалга ошириш;

б) шартномага мувофиқ етказиб берилган нефть маҳсулотларини миқдор ва сифати бўйича қабул қилиб олиш;

в) маҳсулотлардан белгиланган мақсадларда фойдаланиш.

**6.3.** “Маҳсулот етказиб берувчи” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) “Истеъмолчи” белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун “Маҳсулот етказиб берувчи”га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва “Маҳсулот етказиб берувчи” олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

б) Ушбу шартномага асосан “**Истеъмолчи**”га етказиб берилган нефть маҳсулотларини қабул қилишдан асосиз бош тортганлиги натижасида етказилган зарарнинг қопланишини “**Истеъмолчи**”дан талаб қилиш;

**6.4.** “Маҳсулот етказиб берувчи” мажбуриятлари:

а) етказиб берилган нефть маҳсулотлари сифатининг шартномада белгиланган талабларга, шунингдек, амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқлигини таъминлаш;

б) агар нефть маҳсулотларини етказиб бериш жараёнида “**Маҳсулот етказиб берувчи**” шартнома шартлари ва нормативларидан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Истеъмолчи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 5 кун муддатда ўз ҳисобидан бартараф этиш;

## 7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

**7.1.** Шартноманинг хар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

**7.2.** “Истеъмолчи” нефть маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

7.3. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у холда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга биноан қўлланилади.

## 8. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР.

8.1. Хар икки томон ҳам куйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар;

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнғин, zilзила ва бошқалар оқибатида юз берса,  
- нефтни қайта ишлаш заводлари, “Ўзбекистон темир йуллари” ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш хажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефт база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгиловчи ташкилотлар қарорига асосан нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

## 9. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

9.1. \_\_\_\_\_

## 10. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШINI ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ.

10.1. Мазкур шартнома киритилган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, хар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган хар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан хал этилади. Иккала томон мустақил хал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иқтисодий судларида хал этилади.

10.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

10.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолагандан сўнг ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

10.5. Мазкур шартнома томонлар ушбу шартномадаги ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришига қадар амал қилади.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“Маҳсулот етказиб берувчи”

“Истеъмолчи”

“Бухоро нефт базаси” МЧЖ

Манзил: Бухоро вилояти, Когон тумани,  
Туткунда МФЙ

Х/р: 20210000904268620001

МФО: 01115 ИНН: 204587384

БАНК: ХАТВ “Orient Finans bank” Тошкент  
ш, Шайхонтохур филиали  
тел: 65-228-74-77, 65-228-72-10 (бух-я)

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги

ИНН: 306762718 ОКЭД: 82990

ШХВ: 100010860262877013907015001

Молия вазирлиги Ғазначилиги

ИНН: 201122919

Х/р: 23402000300100001010

МФО: 00014

БАНК: Марказий банк Тошкент шаҳар ББ ҲҚҚМ

Директор:  И.И.Норов

ИСББ: \_\_\_\_\_

Директорнинг  
биринчи ўринбосари:  О.А.Хасанов

Ҳуқуқий ҳулоса: Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни талабларига зид эмас.

Ҳуқуқшунос: \_\_\_\_\_ А.А.Исломов